

КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ
ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИ
БЎЙИЧА ХАТЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

2-бетда ўқинг >

Инсон ва қонун

2022 йил
4 ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА

№ 38 (1346)

www.hudud24.uz

www.adolatmarkazi.uz [telegram.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official) facebook.com/hudud24official/



Адлия вазирлиги ISO/IEC 27001:2013 ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БЎЛДИ

Адлия вазирлиги ахборот хавфсизлиги менежмент тизимининг ISO/IEC 27001:2013 халқаро стандарти талабларини ўз фаолиятига жорий қилди. ISO/IEC 27001 - бу Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва Халқаро электротехника комиссияси томонидан биргаликда ишлаб чиқилган халқаро ахборот хавфсизлиги стандартидир.

Маълумотларга кўра, 2005 йилдан бери бутун дунё бўйлаб 25 000 дан ортиқ компаниялар ISO/IEC 27001 сертификатини олган. Жумладан, мамлакатимизда халқаро сертификатга UZcard, миллий сертификатга эса Давлат хавфсизлик хизмати эга бўлган.

Бундай сертификатлаш ишончли ошириш учун фойдали восита. Яъни, бундай сертификатни олган ташкилот фаолияти, у берган ва тарқатаётган маълумот, ахборотлар халқаро ҳамда маҳаллий даражада, шубҳасиз, ишончли саналади.

БУНДАН ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР КУТИЛМОҚДА?

Халқаро стандартларга мувофиқ, бошқарув тизимини жорий этиш натижасида ходимлар ўртасида ахборотни муҳофаза қилиш ҳамда маълумот олишда ортиқча вақт сарфланишининг олди олинади. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлиги менежмент тизимининг жорий қилиниши тизимларнинг ишдан чиқиши, нотўғри фойдаланишдан ҳимоя қилиш ёки хавфни камайтиришга хизмат қилади.

Энг асосийси, аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари сифатини ошириш, ахборот махфийлиги ва ишончилиги ошиши назарда тутилган.

Давоми 6-бетда >



@adolat_nashrlari



"ADOLAT"
milly huquqiy axborot markazi

"Адолат"
миллий ҳуқуқий
ахборот маркази
нашрларига
обуна бўлинг!



"Адолат
нашрлари"
телеграм
каналига
аъзо бўлинг!



Қимор ўйнаганга
қандай жазо тури
қўлланилади?

3-бетда ўқинг >



Марказлар
фаолиятига 1 йил
тўлди

4-бетда ўқинг >




Телефон
"ишқибоз"ларининг
найрангларига чек
қўйилди

6-бетда ўқинг >



"Пойтахтимиз қаерда?"
ёхуд ўзимиз ўтирган
шоҳни кесмайлик!

5-бетда ўқинг >




ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги “Бошқа шахсга ўтказиш таъқиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкини шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга кўра, 2022 йил 1 октябрдан “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимида мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш таъқиқлаб (хатлаб) қўйилганлиги, шунингдек таъқиқлаб (хатлаб) қўйиш бекор қилинганлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар банки жорий этилди.

Электрон маълумотлар банки давлат тилида шакллантирилади ва юритилади. Нотариус электрон маълумотлар банки орқали мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш ва таъқиқни бекор қилиши мумкин.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни таъқиқлаб ёки хатлаб қўйиш, шунингдек, уни бекор қилишда тўлов ундирилмайди.



СТАРТАП ЛОЙИХАЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2022 йил 1 октябрдан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ИТ-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида 1 миллиард сўмгача грантлар ажратиш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, 1 октябрдан бошлаб оператор ва провайдерларга телекоммуникация объектларида техник воситаларни ўрнатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизага топширилган санадан бошлаб қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берилди, бунда лойиҳа-смета ҳужжатлари 15 кунлик муддатда экспертизадан ўтказилиши йўлга қўйилди.

Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг маълумотлари:

- идоралараро ҳамкорлик мақсадларида фойдаланиш учун – “Электрон ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали беғараз асосда;
- тижорат мақсадларида фойдаланиш учун – “Электрон ҳукумат” тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси орқали тўлов асосида тақдим этилиши йўлга қўйилди.

Эндиликда, давлат органлари ва ташкилотларининг давлат ахборот тизимлари ва ресурслари маълумотларини давлат органи ва ташкилоти бўлмаган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри интеграция қилиш орқали тақдим этиш таъқиқланади.

Давлат ахборот тизимлари ва ресурслари “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга кўра, босқичма-босқич жойлаштирилиши, маълумотларнинг сақланиши ва қайта ишланиши белгиланди.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича лойиҳалар менежери лавозими киритилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича лойиҳалар менежерига жамғарма ҳисобидан иш ҳақига 100 фоизгача қўшимча устама ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди.

КАСАНАЧИЛИК УЧУН СУБСИДИЯ МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2022 йил 1 октябрдан касаначига ажратиладиган субсидия миқдори БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (3 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача) оширилди.

Шунингдек, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда камида 20 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан таъминлаган тадбиркорлар ўртасида ҳар йили бир марта ҳар бирининг қиймати 50 миллион сўм бўлган лойиҳалар танлови ўтказилади.

Энди “Аёллар дафтари”даги камида 5 та ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлар томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади.

Ходимлари умумий сонининг камида 70 фоизи “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлар давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2022 йил 1 октябргача озод этилади.

Шунингдек, ҳар бир туман (шаҳар)да хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ҳузурида лидер касаначиларни жалб этган ҳолда “маслаҳат соатлари”ни жорий этиш белгиланди.



ТАРБИЯЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ҲАҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Саховат” ва “Мурувват” интернет уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати фаолиятини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Саховат” ва “Мурувват” интернет уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати (тиббий-ижтимоий муассасалар) Давлат божхона қўмитасига бириктирилди. Божхона қўмитаси кексалар ва ногиронларни

протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник ва гигиеник воситалари билан таъминлашга кўмаклашади.


2022 йил 1 октябрдан “Саховат” ва “Мурувват” интернет уйларидаги тарбиячилар ҳар йили камида бир мартада малака ошириш курсларида ўқитилиши жорий қилинди.



“ПРОАКТИВ ШАКЛ” АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 1 октябрдан ўзгалар парварishiга муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон тақдим этиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақалар ҳамда парварishiлаш нафақаси фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда “проактив шакл”да тайинлиши белгиланди.



ИТ УЧУН ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 августдаги “Замонавий билим ва касб-хунар эгаллаш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, мувофиқ 1 октябрдан нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида ўқиши учун таълим кредити ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Бундай таълим кредитлари Марказий банкнинг асосий ставкасида (15%), БҲМнинг 65 бараваригача 1 йиллик имтиёзли давр билан 4 йил муддатга ажратилади. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари учун таълим кредити олишда гаров ва қафиллик талаб этилмайди.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ҲАҚИ УЧУН СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги “Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқла-

ниб, қишлоқлардаги чет тилларини ўргатувчи нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш тартиби белгиланди.

Мақсуд регаментга кўра, субсидия нодавлат таълим ташкилотларига қуйидаги мақсадларда ажратилади:

- бино ва ўқув хоналарини замонавий ахборот коммуникация технологиялари, мебель, асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа анжомлар билан жиҳозлашга;
- зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш, таълим жараёнини ташкил этишга жалб этиладиган педагог кадрлар меҳнатига ҳақ тўлашга.

Нодавлат таълим ташкилоти субсидия олиш учун календарий йилнинг ҳар чораги биринчи ойининг 10 санасигача ЯИДҲПда электрон рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат қилади. Талабгор томонидан давлат хизматидан фойдаланиш учун тўлов амалга оширилмайди.



СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базасидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йил 1 октябрдан давлат харидлари бўйича ўтказиладиган электрон савдо ва тендерларда тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси солиқ хавфи юқори деб баҳоланган солиқ тўловчилар рўйхатини ўз расмий веб-сайтида жойлаштирилиши жорий қилинди.

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган солиқ тўловчилар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган томонидан “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилади.

КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИ БўЙИЧА ХАТЛОВ ҲАҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жорий йил 1 октябрдан республика ҳудудидаги кўп квартирали уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Хатлов натижасига кўра эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича тақлифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кириштирилди.

Мадҳия АВАЗОВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими



Саволларга “Мадад” ННТ ижроочи директори ўринбосари **Ислом АБДИРАХИМОВ** жавоб берди

Жамоат жойларида спиртли ичимлик ичиш мумкинми?

– Жамоат жойларида спиртли ичимлик ичган шахсларга қандай жавобгарлик бор?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасига кўра, иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортнинг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек, алкоголь маҳсулотини куйиб реализация қилишга руҳсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1/2 қисми миқдориде жарима солишга сабаб бўлади.

ФАРЗАНДИНИ МАКТАБГА ЮБОРМАГАНГА ЖАЗО БОРМИ?



– Фарзандини мактабга юбормаётган ота-оналарга қонунчиликда жавобгарлик борми?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига кўра, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиши уларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб, таълим муассасаси маъмурияти бу масалада қонунчилик ижросини назорат қиладиган органларга шикоят қилиши мумкин.

– Светофорда тўхташ вақтида йўл чизиқларини босган ҳайдовчига қанча жарима солинади?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128⁴-моддасига кўра, светофорнинг тақиқловчи сигналида ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида йўлнинг қатнов қисмидаги йўл чизиқлари ёки йўл белгилари билан белгиланган тўхташ чизиғини босиб кириш базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир баравари миқдориде жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши базавий

ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдориде жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида назарда тутилган ўша ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдориде жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида назарда тутилган ўша ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

ЙЎЛ ЧИЗИҒИНИ БОСГАНГА ЖАРИМА ҚАНЧА?



Қимор ўйнаганга қандай жазо тури қўлланилади?

– Қимор ўйнаш қандай жавобгарликни келтириб чиқаради?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 191-моддасига кўра, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш – ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш – ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ТАЛАБА МАКТАБДА ИШЛАЙ ОЛАДИМИ?

– ИНГЛИЗ тили йўналишида ўқиётган 4-курс талабаси мактабда дарс бериши мумкинми?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 9-бандига асосан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаётган талабгор қаида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим бўлиши белгиланган. Шу сабабли сизда қаида В2 даража бўлиши керак. Эслатма: бу фақат янги ишга қираётганлар учун талаб, ҳозирда мактабда ишлаётган В2 даражага эга бўлмаганларга бу қоида тааллуқли эмас.

Ақли заиф шахс ҳам жавобгарликка тортиладими?

– Ақли заиф шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинми?

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 20-моддасида ақли норасолик, яъни ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Демак, юқоридеги қаби руҳий носоялом одам маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган тақдирда ҳам жавобгарликка тортилмайди.

ХИЗМАТ САФАРИ МУДДАТИ ҚАНЧА?

– Ходимларни хизмат сафарига юбориш муддатлари қанча вақтгача бўлиши мумкин?

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон ҳудудиде хизмат сафарлари тўғрисидаги Низомга кўра, хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Бунда муддат йўлдаги вақтни ҳисобга олмаганда 30 календарь кундан кўп бўлмаслиги лозим.

Монтаж, ишга тушириш-созлаш, қурилиш ва қидирув ишларини бажариш учун юбориладиган ходимлар, раҳбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ташкилотда хизмат сафарига кетаётган ва қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш махсус журналларда “ЎЗАСБО” дастурий мажмуасида (ёки бухгалтерия ҳисобини юритувчи ахборот тизимида) электрон юритилади.

Ходимга у юборилган ташкилотдаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди.

Агар ходим дам олиш ёки байрам кунларида хизмат сафарига юборилган жойда ишлаган бўлса, компенсация тўланади. Агар ходим хизмат мажбуриятларини бажариш учун дам олиш кунини хизмат сафарига юборилса, унга сафардан қайтган бошқа дам олиш кунини берилади. Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ҳудудларга юборилган ходимларга ўша ҳудуд учун белгиланган қўшимча устамалар ҳам тўлаб берилади.

Ходимга турар жой билан боғлиқ харажатлар (меҳмонхона ёки турар жой ижараси), хизмат сафари жойига бориш ҳамда доимий иш жойига қайтиш йўл харажатлари қопланади, шунингдек, кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Меҳмонхона харажатларининг бир кунлик қоплаш миқдори тегишлича БХМнинг 1,5 баробаридан 3 баробаригача миқдордан ошмаслиги лозим.


Турар жойда яшанганлиги бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар бир сутка учун БХМнинг 20 фоизи миқдориде қопланади.

Қарорга кўра, хизмат сафарлари харажатлари ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот ва унинг мобил иловаси ишлаб чиқилган.



ТОШКЕНТ

ФУҚАРО Ў.А. Сергели туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, турли корхоналарда ишлаган даврлари меҳнат дафтарчасида қайд этилганлигини, бироқ иш ҳақини тасдиқловчи архив ҳужжатлари тақдим этилмаганлиги сабабли умумий меҳнат стажини ҳисоблашда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Сергели туман бўлими томонидан инобатга олинмаганлигини баён қилган.



МУРОЖААТ СУД ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Маълум бўлишича, фуқаро Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига ёшга доир пенсияга чиқиш учун ариза билан мурожаат қилган, лекин комиссия қарорига кўра, умумий иш стаж етмаганлиги сабабли рад жавоби берилган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 81-моддасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 59-бандига асосан меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Фуқаро Ў.А.нинг ҳисобга олинмаган иш стаж давлари меҳнат дафтарчасида қайд этилган.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Ў.А.нинг манфаатида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сергели туман бўлими комиссиясининг қарорини бекор қилиб, меҳнат дафтарчасида қайд этилган ишлаган даврларини умумий меҳнат стажини ҳисоблашда инобатга олиш юзасидан Тошкент туманлараро маъмурий судига ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, туман адлия бўлимининг фуқаро Ў.А. манфаатида комиссия қарорини бекор қилиш ва меҳнат дафтарчасида қайд этилган ишлаган даврларини ҳисобга олиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилди.

Артурбек АБДУМАННОНОВ,
Сергели туман адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси

Очилини айтганда, туман даражасидаги давлат идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлашни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ташкил этилган ушбу марказларга нисбатан дастлаб кўп саволлар, ҳатто шубҳалар ҳам бор эди. Орадан 1 йил ўтди, бу фурсат ушбу тизим фаолиятига дастлабки баҳо бериш учун етарли.

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари нималарга эришмоқда?

Наманган вилоятидаги туман (шаҳар) юридик хизмат кўрсатиш марказларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун ўтган бир йил давомида 101 мингдан ортиқ ҳужжат лойиҳалари келиб тушди.

Марказлар томонидан мазкур ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, шундан 94 мингдан ортиғига ижобий, 5 мингдан ортиғига салбий ҳулоса берилган. 2 мингдан ортиқ ҳужжат лойиҳалари камчиликлари мавжудлиги сабабли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан, мавжуд камчиликларни бар-тароф этиш учун ишлаб чиқувчига қайтарилган.

Шунингдек, марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар манфаатини судга ҳимоя қилиш юзасидан киритилган 250 дан ортиқ талабноманинг лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ташкилот томонидан киритилган. Мазкур талабномаларда 4 миллиард сўмга яқин пул маблағларини юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фойдасига тўла бериш лозимлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилот-

НАМАНГАН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Қарорга мувофиқ, 2021 йилнинг 1 октябрдан республикамизнинг барча ҳудудларида Юридик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИГА 1 ЙИЛ ТЎЛДИ



лар манфаатини судда ҳимоя қилиш юзасидан 30 дан ортиқ даъво ариза лойиҳалари ишлаб чиқилиб, ташкилот томонидан киритилган. Мазкур даъво аризаларида 30 миллиард сўмга яқин пул маблағларини юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фойдасига ундириб бериш лозимлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, марказ ходимлари ташкилот мансабдор шахслари устидан келиб тушган 150 га яқин мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этди.

Марказлар томонидан ўтказилган мониторингларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича адлия бўлиmlарига 200 га яқин хабарномалар берилди.

Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимлари учун, шунингдек, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда 7,5 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Дастлабки даврда айрим шахслар, блогерлар, “экспертлар” томонидан марказларнинг ишга туширилишига нисбатан салбий тахминлар, прогнозлар илгари сурилганига қарамасдан, тизим олдига қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришиб бормоқда.

Улўбек ИСМАТИЛЛАЕВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбосари

- Қорақалпоғистон Республикаси
- Андижон вилояти
- Бухоро вилояти
- Фарғона вилояти
- Жиззах вилояти
- Хоразм вилояти
- Наманган вилояти
- Навоий вилояти
- Қашқадарё вилояти
- Самарқанд вилояти
- Сирдарё вилояти
- Сурхондарё вилояти
- Тошкент вилояти
- Тошкент шаҳри



ЖИЗЗАХ

ЖИЗЗАХ вилоят адлия бошқармаси томонидан Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми (ҳозирги Жиззах ахборот технологиялари техникуми)нинг 11 нафар ўқитувчиси Шароф Рашидов туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома шартларига асосан тўланиши лозим бўлган пул маблағи тўлиқ тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўқитувчиларнинг ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ



Ўрганиш натижасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига шартномада белгиланган ўқитиш харажатларини ундириш ҳақида даъво аризаси киритилиб, туман Аҳоли бандлигига кўмаклаш марказидан 11 нафар ўқитувчига жами 25 миллион сўмдан ортиқ ўқитиш харажатлари ундириб берилди.

Жаҳонгир КАРИМОВ,
Жиззах вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими

НАМАНГАН



Фаррош ўз ишига ТИКЛАНДИ

ПОП туманининг “Чоркесар” маҳалласида яшовчи фуқаро М.Нишонова Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли “Парда Турсун” номи республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация маркази томонидан ноқонуний ишдан бўшатирилганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, М.Нишонова 2003 йил 21 апрелдан буён марказда фаррош вазифасида ишлаб келган. Марказ раҳбарининг 2022 йил 28 июндаги 67-сонли буйруғига мувофиқ эса “2022 йил 22, 23, 24-июнь кунлари узрли сабабларсиз ишда бўлмаган”, дея Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-банди асосида у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Ваҳоланки, Маърифат опа 2022 йил 22-24 июнь кунлари меҳнатга лаёқатсизлик даврида бўлган. Бу ҳолат тумандаги оилавий поликлиника томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси билан ўз тасдиғини толган.

Бинобарин, ПОП туман адлия бўлими томонидан М.Нишонovaning манфаати юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига биноан реабилитация марказининг 2022 йил 28 июндаги 67-сонли буйруғи ҳақиқий эмас деб топилди, М.Нишонова ўз ишига тикланди. Шу билан бирга, унга мажбурий прогул учун тегишли иш ҳақини тўлаб бериш мажбурияти марказ зиммасига юклатилди.

Акмал ҚОДИРОВ,
ПОП туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

Таниқли ёзувчи Нурали Қобулнинг “Пойтахтимиз қаерда?” сарлавҳали мақоласини республикамиздаги етакчи газеталардан бирида ўқиб, ғалати бўлгандим. Ҳама мақолани ўқиганимга балки 30 йилдан ошқиб вақт ўтгандир, аммо ундаги қишлоқ муаллимнинг уйига меҳмон келгани тўғрисидаги эпизод сира хаёлимдан кетмайди.



Мақолада муаллимнинг уйига меҳмон келгани, ўқитувчи меҳмонлар учун бозор қилиб, дастурхон тузагани, дастурхондаги ноз-неъматларни эшик тирқишидан кўрган фарзандларининг шу мевалардан егиси келганини кўзлари айтиб тургани ҳақидаги лавҳа шу қадар маҳорат билан тасвирланган эдики, эсласам, ҳали юрагим зирқирайди. Тўғри, ҳозир дастурхондаги мева пўсти ва пўчоқларини ейдиган болалар йўқ. Тўкин-сочинликда яшаймиз.

Аммо ҳаётда мантиқан шунга ўхшаш ҳолатлар ҳам йўқ эмас, албатта. Масалан, нонни исроф қилмаслик ҳақидаги гаплар ҳавода қолаётгани ачинарли бугун.



Нонкўрликка ўрганиб қолдик...ми?!

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда нонкўрлик ҳақидаги жуда кўп постлар, ахборотларга кўзимиз тушаяпти. Ҳамма ҳам ноннинг увол бўлаётганига гўвоҳ бўлаяпмиз. Тошкент шаҳрида ҳар куни 2 тонна нон чиқинди-га чиқарилаётгани ҳақидаги хабардан воқифмиз. Бу рақамлар ортидаги нонкўрликка панжа орасидан қараб, бора-бора бунга кўзимиз ўрганиб, қотиб бормоқда. Нонни увол қилмаслик ҳақидаги панд-насиҳатларни назар-писанд қилмайдиган даражага етдик. Ота-боболаримиз бир замонлар бир бурда нон учун қанча захмат чекканини, нонга зор бўлиб ўтганини, наҳотки, тез унутдик.

Наҳотки, ноннинг қадрига етиш учун уни одам бошига ўлчаб бериш, талон жорий этиш зарур бўлса?! Ахир, ер юзюда бир парча нонга муҳтож бўлган қанча-қанча одамлар борлигини унутмайлик! Бундай одамлар, афсуски, ёнимизда ҳам йўқ эмас. Бошимизга шундай кунлар тушмасин, десак нонкўрлик қилмайлик!

Ноннинг уволи ёмон...

Орият ва марҳамат

Бу воқеа айна баҳор кунларининг бирида бўлганди. Ҳам-касблар билан Чилонзордаги ошхоналардан бирига тушиқ қилишга борган кунларимиздан бири эди. Ҳаммамиз ўзимиз истаган таом билан тамадди қилдик. Ёнимиздаги стол бўшаб, хўрандалари туриб-турмасдан ёши каттарок, озгинлигидан эгнидаги костюмининг елкалари осилиб қолган, уст-бошидаги кийими тўзиб кетган одам чаққонлик билан патнис қўтариб, бўшаган столдаги идишларни, қолган нон бўлакларини йиғиштиришга тушганига хайрон бўлдик. У ўзини гўёки официант ёрдамчисидек тутмоқчи бўлди, аммо орадан бир дақиқа ўтмасдан кафе хизматчилари унинг қўлидан патнисни тортиб олиб, ўзига кўча эшикка чиқиб кетишга ишора қилишди. Ночорлиги шундоқ кўриниб турган одам юзлари қизариб, кўчага чиқиб кетди. Дилимиз оғриб, у одамни кузатдик. У кўчадаги столлардан бирига бориб ўтирди. Ночорлигидан уялаётган одамнинг аҳолини тушундик. Сочлари оқарган, ёши анчага борган бу одамда ночорликдан, очликдан ва бахтсизликдан ҳам кучли нарсаси бор эди. Бир бурда нонга зор бу одамда кучли орият бор эди. Ана шу орият кўчадан ўтганлардан ёки ошхоналардан нон сўрашга йўл бермасди. Шу тобда бу одамни нон ва ширин таом билан сийлашга тайёр эдик. Аммо унинг орияти бизнинг марҳаматимиздан юз қарра-кўч-лирқлиги бунга асло йўл қўймасди.

Нону тузнинг ҳаққи...

Бундан бир неча йил аввал илм-маърифатли қадрдонимиз яхши тўйхонада набираларининг ёш тўйини ўтказди. Қувончи кўнига шерик бўлиш учун тўйга бордик. Базм бошланди. Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган таниқли зиёли меҳмонлар ва уларнинг чиройли табриқлари билан давра янада файзли бўлди. Аммо орадан ярим соатлар ўтар-ўтмасдан азиз меҳмонларнинг кўпчилиги тўйхонадан бирдан тарқ этди. Дастурхонда нозу неъматлар, сузилган таомлар музтаб бўлиб қолди. Тўй эгасининг кўнгли оғриди. Меҳмонлар нега кетиб қолганини кейинроқ эшитиб, таассуф чекдик. Нима эмиш, спиртли ичимликсиз тўй айримларга “татимаган” эмиш.

Нону тузнинг ҳурматини унутган одамлар ўзининг ҳам ҳурматини йўқотганини ўшанда. Ҳамма инсон ўз нафсининг ва зарарли иллатнинг қули эканлиги кишини жуда ранжитгани.

Миллатга дахлдор ҳаёт парчаси

Бу воқеани Тошкент халқаро аэропортидан хизмат сафарига келган хорижлик меҳмонни кутиб олган хайдовчи ҳикоя қилиб берганди.

“Айни аёзли кунлардан бири эди. Тонг ҳали отиб улгурмаган. Аэропорт яқинидаги йўлдан кетаётиб йўл ёқаларида бир хил иш қиймидаги аёлларга кўзи тушган меҳмон мендан:

– Бу аёллар совуқда шу маҳалда нега кўчада турибди? – деб сўради.

Мен унга:

– Ҳа, бу аёлларми, ободонлаштиришда ишлайдиган, кўчаларни супурувчи ходимлар, – дея жавоб бердим.

Меҳмон бироз ранжиган оҳангда:

– Эҳх, булар оналар-ку, миллатингиз оналарини нега бундай оғир ишларга жалб қилгансизлар? – деди.

– Бизда бундай ҳолга йўл қўйилмайди, – деб қўшиб ҳам қўйди.

Хайдовчининг бу кичик ҳикояси бизни ҳам қаттиқ ўйлантирди.

Аёлнинг елкасига ортилган юкларнинг ҳисоби йўқлигини ўйлаб, баттар юрагимиз қисилди.



“Дарахт арралаймиз”

Ён тарафига ката-ката ҳарфлар билан “Дарахт арралаймиз” деган ёзув ёзилган машина ёнимдан ўтиб кетганда худди қўлимни нимадир кесиб кетгандек ноҳуш кайфиятга тушиб қолдим. Дарахтларни кесишни шior қилиб олган ташкилотлар, бешафқат кимсалар борлиги нақадар ачинарли.

Ҳавони заҳарладик, сувни заҳарладик, ерни заҳарладик, энди дарахтларнинг томирига ўт қўйишга ўтдик. Биз қандай халқимиз ўзи?!

Кекса ота-онамизга ҳаво етиш-маса, фарзандлар она қорнидаёқ касалманд бўлса, гўлдек ёшларнинг танасига хасталик чирмовуқдек ўрғалиб олса, сабабини излаб кўрганмисиз? Сабабини табиатга кўрсатаётган “каромат”ларингиздан изланг.

Дарахтларининг ҳисоби йўқ айрим давлатларда ҳатто қуриган дарахтларни ҳам кесмасдан, чиройли шакл берилганини кўрганда дарахтлар ҳам давлатнинг, миллатнинг бойлиги эканлигини биз нега унутиб қўйдик, деган саволга жавоб топа олмадик.

“Дарахт арралаймиз” деган ёзуви машиналарга йўл берганимиз ўз томиримизга бoл-та уришларига қўл берганимиз эмасми?!

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

КЎЗГУ

Кутубхонадан китоб олдим. Энди ўзим ёқтирган асарни қизиқиб мутолаа қилиб, қизиқ жойига етганимда... китобнинг айрим саҳифалари йиртиб олинганини кўрдим. Ич-ичимда нимадир узилган-дек бўлди, қалбимнинг энг чуқур жойи жимиллаб оғриди.



Эҳ, афсус, қизиқ жойига келганди-я...

Ҳеч китоб ўқиётганингизда шундай ҳолатга тушганимиз? Китобга нисбатан бундай ноҳақлик қилиш худди қотиллик қилишдек гап, ахир... Бунинг учун одам анча-йин худбин, билимсиз бўлиши керак. Лекин мен бу китобни кутубхонадан олгандим. Наҳотки, шу катта ёшли одам қилган иш бўлса, деган хаёлга бордим. Ҳали эсини танимаган ёш болалар ҳам китоб саҳифаларига баъзан расм чизиб қўйишлари, расмли китобчаларни талашиб-тортишиб, йиртиб қўйишлари мумкинлиги ҳақида ўйладим. Лекин қўлимдаги китоб катта ёшлилар учунлигини тушунгач, китобга озор етказган кимсага нисбатан дилимда нафрат пайдо бўлди.

Китоб тутган қўлларим беихтиёр титради. Китоб билимлар ҳазинаси эканини ҳис қилмаган одам нега кутубхонага келдикидан?.. Яралган қўшдек беозору жабрдийда китобга узоқ термулганимча, ўйга толдим. Сизу бизга билим бергучи, бор билимининг беазир қўшдек меҳрибонлик билан бизга туттувчи китобнинг айби нима?!

Бир яқинимизнинг туғилган кунига бордик. Одатда, қишлоқ ҳудудларда кўпчилик хонтахта устига байрамона дастурхон тузашади. Каттагина хонага чиройли дастурхон тузалган, ноз-неъматлар етарли... Беихтиёр кўзим хонтахтанинг тўрт томонига уни баландатилар учун қўйилган китобларга тушди. Бу оилага китоб кирибди, файз кирибди-ю, лекин уй бекасининг қалбига нур кирмабди-да, деган ўй хаёлимдан ўтди. Шу кунги дастурхон атрофидаги сўхбат қандай ўтди, таомланиш бошқаларда қандай бўлди, билмадим, мен... мен нима еб-ичганимни ҳам билмайман...

Китоб инсонларга нафақат билим, балки, тарбия ҳам беради. Китоб одоб ҳазинасидир. Юрагимда меҳр-муҳаббат, инсонийлик ҳисларини уйғотгани учун ҳам китобларни яхши кўраман.

Бир куни йўлда кета туриб, катта йўл четида ётган китоб варақларига кўзим тушди. Тўғриси, пати олинган мусичадек озор топан китобга ҳам, унинг етим варақларига ҳам раҳмим келди. Ҳамма ўз йўлига равона, бу етим варақларга шамолдан ўзганинг раҳми келмасди.

Нега айримларимизнинг китобларга раҳимимиз келмайди?! Қалбимизда китобга бўлган меҳр бор-йўқлигини билиш унча қийин эмас, аслида. Китобга бўлган меҳрингиз ёки қизиқишларингиз аллақачон сўниб бўлган бўлса, юрагингиз тошга айланб бораёпти, азизим! Мудраб ётган ҳисларингизга нега парво ҳам қилмайсиз?! Ҳатто қалбингизда унутилаёзган беғуборлиқни – болаликни уйғотишни ҳам истамайсиз...

Сиз учун китоб ўқиб, кутубхонага бориш ёки китоб сотиб олиш қизиқарли бўлмаган машғулотдек туюлади. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега бунчалар худбинсиз?! Ҳатто бўш вақтларингизда қўлингизга тушиб қолган китобни варақлашга ҳам эринасиз.

Йўл четида писта-қурт сотадиган мана бу холати кўргани кўзим йўқ. Бир сафар китобларни йиртиб, писта сотаётганлигини кўриб, бу ёши улғу аёл шу ёшга қирса ҳам қалбда китобга меҳри йўқлигига хайрон бўлганман, очиги. Бу ҳақда унинг ўзига айтишга эса, ўзимда куч, журъат топа олмадим... Сабаби, анча ёшман. Ҳатто бу аёл онамдан ҳам ёши улғу бўлгани учун ўзимдан каттага қандай танбех беришни билмайман...

Кутубхоначи опага ўқиб бўлган китобимни қайтариб берай эканман, кўнглимдан ўтганларини айтгим келди. Асарнинг қизиқ жойига келганда йўқолган, йиртиб олинган варақлар сабаб қимматбахо бўюмини ўғирлатган одамдай гарангисганимни қандай айтмай... Дугонам ўтган сафар кутубхоначи опадан шу китобдан бошқа бор-йўқлигини сўраганимда, китоб фақат бир нусхагина эканини айтганди.

Ҳўрсиндим...

– Эҳ, афсус, қизиқ жойига келганди-я... – деб қўйдим астагина.

Бу гапимни ўзимдан бошқа биров эшитмади.

Насиба ШОРАСУЛОВА,
талаба

Адлия вазирлиги ISO/IEC 27001:2013 халқаро сертификатига эга бўлди

БУНГА ҚАДАР...

Ушбу йўналишдаги илк қадамлар 2020 йилда бошланган бўлиб, шу даврда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ахборот хавфсизлиги сиёсати тасдиқланди;
- Вазирлик тизимида киберхавфсизлик бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш ва тегишли чора кўриш бўйича консалтинг корхонаси ёлланиб, ички аудит ўтказилди;
- Йўл харитаси, чора-тадбирлар тасдиқланиб, барча камчиликлар баратараф қилинди;
- Биноларга кириб-чиқиш бўйича Face-ID тизими жорий қилинди;
- Ходимлар компьютерлари марказлашган ҳолда назорат қилинмоқда;
- Вазирлик тизимида – инфратузилмани, активларни, ички аудитларни ва кириш ҳуқуқини бошқаришга мўлжалланган янги жараёнлар жорий қилинди;
- Маълумотларни қайта ишлаш маркази стандарт талабларига мувофиқ босқичма-босқич такомиллаштирилди;
- Сервер ва компьютер қурилмаларига лицензияланган операция тизимлар ўрнатилди;
- Ходимларни ахборот хавфсизлиги сиёсатидан хабардор қилиш учун ўқув семинарлари ва учрашувлар ташкил этилди;
- Вазирлиkning 10 нафар малакали мутахассиси "CERT Academy" тренинг марказида айни шу халқаро стандартлар бўйича ўқитилиб, махсус сертификатларга эга бўлишди.

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги хавфлари реестри шакллантирилиб, ахборот хавфсизлиги бошқарув тизими билан боғлиқ ташқи ва ички омиллар ҳамда жараёнларнинг самарадорлик кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Адлия вазирлиги марказий аппарати ва 5 та пилот ҳудудлардаги адлия бошқармалари ҳамда туман адлия бўлимларида ISO/IEC 27001:2013 стандарт талабига асосан ички аудит ўтказилди.

Ахборот хавфсизлиги хавфлари бўйича ҳаракатлар, мақсадларни амалга ошириш мониторинги, самарадорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар ташкил қилинди.

Бундан ташқари, адлия тизимидаги ахборот тизимлари, сервер қурилмалари, алоқа каналлари, коммуникация тармоқлари узлуксиз ишлаши ҳамда маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

АФЗАЛЛИК ВА ИШОНЧ

Ушбу сертификат бўйича ахборот хавфсизлиги механизмини йўлга қўйган ташкилотларга ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг ишончи ошади, бу тақдирда халқаро миқёсда тан олинишида бир туртки вази фасини ўтайди. Ушбу сертификат-

га эга бўлган ташкилотлар ахборот билан энг тўғри ишлаётган ташкилотлар ҳисобланади.

Давлат органининг ISO/IEC 27001:2013 сертификатига эга бўлиши эса мамлакат фуқаролари билан ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Адлия вазирлиги давлат хизматлари кўрсатиш орқали, бевосита фуқароларга ҳар кунги ҳар жойда керак бўладиган ҳужжатлар билан ишламоқда. Бу ўринда фуқароларнинг шахсий маълумотлари, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи жуда муҳим. Фуқароларга берилган ЭРИ калит, туғилганлик, никоҳ ва бошқа бир қатор ҳужжатлардаги маълумотлар сақланган электрон база ҳар жиҳатдан хавфсиз, ҳимояланган, таҳдидлардан ҳоли бўлиши керак. Ҳозирда фуқаролар шахсий маълумотлари билан боғлиқ ҳужжат бериш жараёнлари рақамлаштирилгани боис ҳам ахборот хавфсизлиги масаласи ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этади.

Эндиликда, вазирлиkning ахборот хавфсизлиги бўйича халқаро сертификатга эга бўлиши фуқаролар шахсий маълумотларининг ишончли ҳимояда эканлигини аниқлатади.

Ўз мухбиримиз

СУД ЗАЛИДАН

Ўша кунги Яққасарой тумани "Дилхирож" кўчасида яшовчи С.А. ишга бориш мақсадида кўчага чиқади. "Дамас" автомашинасининг олдида бориб қараса, ойнасининг резиналари чиқиб ётибди, эшиги эса очик. Салон ичидаги нарсалар сочилган, 3 миллион 800 минг сўм пуллари жойида йўқ. "Дамас"нинг эгаси содир бўлган ўғрилиқ жинояти ҳақида дарҳол ички ишлар органларига хабар берди.



Олиб боришдан тезкор кидирув ишлари натижасида ушбу ўғрилиқни содир этган шахс И.Н. қўлга олинди. Суриштирув жараёнида маълум бўлдики, муқаддам судланган И.Н. 2021 йил 23 сентябрь кунги соат 01.30 дан 06.00 гача вақт оралиғида бир эмас, нақд 6 та "Дамас" автомашинасининг орқа эшик ойнаси резинасини темир мослама ёрдамида бўшатиб, эшикларини очган экан. У машиналардан бирининг салонидан 400 минг, иккинчисидан 72 минг сўм ўғриллаб, воқеа жойидан яширинган. Қолган "Дамас"ларни қанча титқиласин, "куруқ қўл" билан ортга қайтган. И.Н.нинг Муқимий 1-тор кўчасидаги, "Жамбул" 1-тор кўчадаги "ови" юришмаган.

Судда судланувчи айбига иқроорлик билдириб, енгилроқ жазо беришни сўради. Суд судланувчи И.Н.га жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятни фарз ва паст ниятда содир этганлигини огирлаштирувчи ҳолат сифатида, қилмишидан пушаймонлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этди. Шунингдек, унинг муқаддам ҳам шу турдаги жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, жазо тайинлади. И.Н. беш йилга уч ойга озодликдан маҳрум этилди.

Йигирма саккиз ёшли йигит қўли эгрлиги учун ҳозир жазо муддатини ўтамоқда. Айни ўқиб-ўрганадиган, ишлаб чарчамайдиган даврда у ўғрилиқни "қасб" қилди. Ҳаётини тўғри йўлга солиши учун, ҳулоса чиқариши учун вақт бор. Иродаси сулстик қилиб, "эски" йўлини танласа, ўзига қийин. Бўёғи ўзига ҳавола.

Хусанбой ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман
суди судьяси

Собиржон пайт пойлаб режасини амалга оширди ҳам. Лекин бугун суд залида бошини эгиб ўтирибди. Хатосини англаганида анча кеч бўлганди. У шу эгри феъли билан тарбия берган ота-онасини ҳам, билим берган устозларини ҳам мулзам қилди.

Собиржон пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамийш 1/2 даҳасида маҳалладоши, вояга етмаган М.Анварованинг 1 миллион сўмлик "MI A2 Lite" русумли телефон аппаратини қўлидан тортиб олди. Кейин эса, йўловчи машинада воқеа жойидан узокроққа қочиб, яширинмоқчи бўлди. Лекин "бузоқнинг югургани сомонхонагача" бўлди. Унинг бу қилмиши ошкор бўлди.

Вояга етмаган судланувчи суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, Мубина маҳалладоши бўлганлиги учун уни ёшлигидан танишини, қиз ҳам уни яхши билишини, оилавий шароити яхши бўлмаганлиги, пулга муҳтож бўлиб қолганлиги сабабли шундай қилганлигини тан олди.

Йигитча телефонни сотиш мақсадида "Малика" савдо мажмуасига боради. Лекин кун кеч бўлиб қолганлиги учун ўша кунги телефонни сота олмади. Қизнинг шикоятидан кейин уни ИИБ ходимлари қақиртиришади. Собиржон телефон аппаратини ИИБ ходимлари иштирақиди қизга қайтариб беришга мажбур бўлади. Судланувчи суд мажлисида бўлган воқеаларни айтиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Яна худди шунга ўхшаш ҳолат. Маълумоти ўрта, ўйланмаган, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган. Бу таъриф ҳар икки судланувчига ҳам тегишли экани афсусланарли ҳолат. Аввал судланган бўлишига қарамай, яна тап тортмай жиноий иш қилиш учун улар ўзаро келишиб олишди. Соддадил Санжар ўз хоҳиши билан Беғалининг қўлига телефонни тутқазиб қўйди. Беғали билан Содик эса фурсатдан фойдаланиб қолишди. Санжарга ўхшаганлар тузоғига осонгина илинишини улар яхши билишарди.

Суд мажлисида жабрланувчи вояга етмаган Санжар Олмазор туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби яқинида Беғалини кўриб қолганлигини, Беғали ўйин ўйнашини айтиб ундан "Iphone 7" русумли телефон аппара-

ЎЗИ мактаб ўқувчиси бўлган С. Комил (исм-шарифлар ўзгартирилган) 11-синфда ўқишига қарамай, тенгдошларидек яхши ўқишни, талаба бўлишни эмас, осон йўл билан пул топишни ўйлаб қолди. Синфдошларининг фикри хаёли ўқишида бўлса, у қандай қилиб бўлмасин бирортасини тузоғига илинтиришни ўйларди.



тини сўраганини билдирди.

Воқеа бундай бўлганди. Санжар Беғалининг гапига ишониб, унга телефонни беради. Беғали телефонни қайтариб бермасдан, ундан пул талаб қилади. Беғали вояга етмаган Санжардан оз эмас, 90 АҚШ доллари талаб қилади. Кейинроқ яна 250 минг сўм берса, телефонни қайтариб беришини айтади. Санжар эса, Беғали айтган пулни топиб бера олмайди. Ноилоҳ қолиб, қўл телефонидан ҳам кечиб юборади. Шундан кейин Санжарга ота-онаси нархи 380 АҚШ долларлик бошқа "Iphone X" русумли телефон аппарати олиб беради. Бир кун Санжар мактабдан чиқиб уйига келаётганида йўлда яна Беғали билан учрашиб қолади. Ўсмир йигит Санжарнинг индамаслиги, "тилага маҳкам"лигини билган Беғали шериги Содик билан ўзаро маслаҳатлашиб, яна Санжарни алдашга ўтади. Беғали Санжарга телефонни бериб туришини, кўриб қайтариб беришини айтади-да, уни алдаб, яна аввалги қилиғини такрорлайди. Бу сафар Беғали телефонни қайтариб беради. Лекин унинг шериги Содик ҳам "Iphone X"ни бир ушлаб кўришини айтади. Соддадил Санжар уларга ишонганида, янги телефонни Содикқа беради. Содик эса, телефонни қайтариб бермайди. Санжар яна алданганини

билганида кеч эди. Беғали телефонни қайтариб бериш эвазига ундан 250 минг сўм пул талаб қилади. Санжар ёнида пули йўқлигини айтса ҳам, Беғали билан Содик телефонни олиб кетиб қолишади. Санжар бу сафар бўлган воқеаларни рўй-рост ота-онасига айтиб беради.

Суд мажлисида Санжарнинг отаси судланувчи йигитлар маҳалладоши эканлиги, улар бир неча мартаба судланганлигини, бўлган воқеалардан кейин ўғлининг ҳаёти ва соғлиғидан хавотир олаётганлигини айтиб кўрсатма берди.

Беғали билан Содик эса, судда айбларини тан олишга мажбур бўлишди. Улар муқаддам судланган бўлишига қарамай, қилмишларига тайинланган жазодан кейин ҳам тўғри йўлга ўтишмаганди. Талончи йигитлар "Ўрганган кўнгил..." қабилида иш тутиб, яна хато қилиб, судда енгиллик сўраб ўтиришибди. Лекин ҳар бир жиноий иш жазосиз қолмайди. Телефон "ишқибоз"лари Беғали ва Содикқа нисбатан илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

ХАЁТДА инсон қайси касб ёки ҳунар эгаси бўлмасин, аввало, унинг ўзгалар билан муомала-муносабати, одамгарчилиги ва бошқа фазилатларига қараб баҳо берилади. Йиллар ўтиб, бу фоний дунёдан кўз юмганда ҳам фарзандлари, ёру дўстлари томонидан яхши ишлари билан эсга олинади.

Самимий, дилкаш йигит ЭДИ



Адлия вазирлигининг молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи вазифасида ишлаган ҳамкасбимиз, укамиз, дўстимиз, 3-даражали адлия маслаҳатчиси Шухрат Умиров энди ораимизда йўқ. Аммо у биз тилга олган инсоний фазилатлари, ҳушмуомалалиги, одам-оқунлиги билан ўзидан яхши ном қолдириб кетди. Биз бежизга уни укамиз, дўстимиз деб атамадик. Чунки Шухратжон эндигина 35 ёшга кирган навқирон йигит эди.

Унинг ҳаёт саҳифаларига назар ташласак, қисқа умрида мазмунли яшаганини кўрамиз. Ш. Умиров Жиззах вилоятининг сўлим Зомин туманида туғилиб-ўсган. Ўрта мактабни битиргач, у мамлакатимизнинг нўфузли олийгоҳларидан бири – Ўзбекистон Миллий университетининг “Иқтисодиёт” факультетида “Бизнесни бошқариш” мутахассислиги бўйича тахсил олди.

Ёш кадр меҳнат фаолиятини 2010 йилда Молия вазирлиги

газначилигининг амалиёт бошқармаси “Молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва тўловларни амалга ошириш” бўлими 1-тоифали инспектори вазифасидан бошлади. 2013 йилда эса Адлия вазирлиги марказий бухгалтериясининг етакчи ҳисобчиси лавозимига ишга қабул қилинди. Ўтган йиллар мобайнида Шухратжон Марказий бухгалтерия етакчи ҳисобчиси, вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази бухгалтерия-

сининг бош ҳисобчиси, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Молиялаштириш ва моддий техник таъминлаш бўлимининг бош мутахассиси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бош ҳисобчиси, бошқарма Молия-иқтисод бўлимининг бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди.

2018 йилдан буён Адлия вазирлигининг молия-иқтисод бошқармаси бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди. Шухрат Умиров ўз ишининг фидойиси бўлгани учун ҳам Адлия вазирлиги жамоаси, ҳамкасблари уни ҳурмат билан тилга олган эди.

Яхшидан боғ қолади, дейдилар. Албатта, ҳаётда инсондан қилган яхшиликлари, эзгу ишлари ва қобил фарзандлари қолади. Шухратжондан ҳам Шахина, Сардор ва Шаҳбоз исмли шириндан-шакар фарзандлар қолди. Рафикаси Мафтунахон эса келажақда уларни отасига муносиб фарзандлар, эл қорига ярайдиган, Ватан равнақи учун хизмат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялашига ишончлигимиз қомил.

Кечагина ёнимизда юрган Шухратжоннинг энди йўқлигига ишонгимиз ҳам келмайди. У

ҳар доим ҳам қилаётган ишига масъулиятли, виждонли, ўз ишининг устаси, жамоада ўз ўрнига эга ходим эди.

Ҳеч бир япроқ бевақф узилмасин, ҳеч бир ёшнинг умид юлдузи эрта сўнмасин. Қисқа, аммо мазмунли умрида ҳамкасбларга ибрат бўлгудек фазилатлари билан жамоада ўз ўрнини толган самимий ва дилкаш ҳамкасбимиз Шухрат Умировнинг ёрқин хотираси ҳамisha қалбимизда сақланиб қолади. Шухратжоннинг яқинларига сабр тилаймиз.

Адлия вазирлиги жамоаси

Yuristlar malakasini oshirish markazi jamoasi
Markaz direktorining o'quv-uslubiy va ilmiy ishlar bo'yicha birinchi o'rinbosari Shakir Saidovga otasi
Kamal SAIDOVning vafot etganligi munosabati bilan chuqur ta'ziya izhor etadi.

E'LOH

Toshkent davlat yuridik universiteti

2023-yil uchun tayanch doktorantura va doktorantura institutlariga quyidagi mutaxassisliklar bo'yicha qabul e'lon qiladi:

12.00.01	Davlat va huquq nazariyasi va tarixi; Huquqiy ta'limotlar tarixi	3 ta PhD
12.00.02	Konstitutsiyaviy huquq. Ma'muriy huquq. Moliya huquqi	5 ta PhD 1 ta DSc
12.00.03	Fuqarolik huquqi. Tadbirkorlik huquqi. Oila huquqi. Xalqaro xususiy huquq	6 ta PhD 1 ta DSc
12.00.04	Fuqarolik protsessual huquqi. Xo'jalik protsessual huquqi. Hakamlik jarayoni va Mediatsiya	2 ta PhD
12.00.05	Mehnat huquqi. Ijtimoiy ta'minot huquqi	2 ta PhD
12.00.06	Tabiiy resurslar huquqi. Agrar huquq. Ekologik huquq	2 ta PhD
12.00.07	Sud hokimiyati. Prokuror nazorati. Huquqni muhofaza qilish faoliyatini tashkil etish. Advokatura.	2 ta PhD
12.00.08	Jinoyat huquqi. Huquqbuzarliklarning oldini olish. Kriminologiya. Jinoyat-ijroiya huquqi	6 ta PhD
12.00.09	Jinoyat protsessi. Kriminalistika, Tezkor-qidiruv huquq va sud ekspertizasi	3 ta PhD
12.00.10	Xalqaro huquq	3 ta PhD
Jami:		34 ta PhD 2 ta DSc

Oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim institutiga tayanch doktorant sifatida kiruvchi shaxslar quyidagi talablarga javob berishi kerak:

- magistr darajasiga, oliy ma'lumot to'g'risidagi diplom (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) ega bo'lganlar;
- falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bo'lgan ilmiy natijalar, shu jumladan ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida bitta maqola hamda tegishli yo'nalishlar bo'yicha ikkitadan kam bo'lmagan ilmiy ishlar to'plamlariga kiritilgan ma'ruza tezislari ega bo'lganlar;

Tayanch doktoranturada o'qishga talabgorlar OTMga (elektron talabgorlar phd.mininnovation.uz sayti orqali) quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini, oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risidagi diplom nusxasi;
- chet tilini bilish sertifikatini IELTS (o'rtacha balli kamida 5,5), TOEFL (PBT) (567 balldan kam bo'lmagan), TOEFL (iBT) (87 balldan kam bo'lmagan), CEFR (B2 darajadan past bo'lmagan) va boshqa;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek ularning nusxalari.

Oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim institutida doktorant sifatida kiruvchi shaxslar quyidagi talablarga javob berishi kerak:

- fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) yoxud ularga tenglashtirilgan xorijiy davlatlarda olingan ilmiy darajalar;
- fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasi yoxud ularga tenglashtirilgan boshqa ilmiy darajalar olgandan so'ng muhim ilmiy yutuqlarga erishish, shu jumladan, fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya tadqiqoti asosini tashkil qilishi mumkin bo'lgan ilmiy jurnallarda chop etilgan kamida uchta ilmiy maqolaga hamda ilmiy-amaliy konferensiyalar, seminarlar va tegishli ilmiy yo'nalishlar bo'yicha ilmiy ishlar to'plamlarida kamida ikkita tezisga ega bo'lish.

Doktoranturada o'qishga talabgorlar OTMga quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek ularning nusxalari.



HUJJATLAR
2022-YIL
15-SENTYABRDAN
15-OKTYABRGACHA
QABUL QILINADI.

Ma'lumot
uchun quyidagi
manzilga
murojaat qilish
mumkin:



Toshkent sh.,
Sayilgoh ko'chasi,
35-uy, TDYU,
Ilmiy boshqarma.



Tel.: 233-66-36.
Ichki: 1042, 1043.

Инсон
ва ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази наشري
info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
1338 2020-7817
9722030781008

Бош
муҳаррир
Аслиддин
АЛИМАРДОН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Мубаракходжаевич
Токиев Фурият Шомуродович
Ўлдарова Шохидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.

Навбатчи
Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“Инсон ва қонун” газетаси ҳамда “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали бирлашган таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳақда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмахонасида chop этилди.

Тиражи – 3125
Буюртма – 350

Топшириш вақти – 19:00
Топширилди – 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100115, Тошкент ш.
Амир Темури шохқўчаси
19-уй.

Факс: (71) 233-28-18
Обуна бўлими:
(71) 233-25-65

Баҳорис қилинган нарҳда

1 2 3 4 5

Мамлакатимизда давлат бошқаруви ва жамият ҳаёти муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий восита қонун ҳужжатлари ҳисобланади. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунлар сифатини оширишнинг энг муҳим мезони мазкур ҳужжатларда жамият ҳаётининг реал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қонуниятларининг акс этишидир.



ҚОНУНЧИЛИҚДА АЁЛЛАР ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида хотин-қизларга бир қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, амалдаги Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида бир қатор имтиёзлар назарда тутилган.

Меҳнат кодексига ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни – тегишинча, уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга нисбатан ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ва аёллар – эллик беш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам

бўлмаган тақдирда уларга ёшга доир пенсия тайинланиши меҳнат қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Ўз навбатида, Меҳнат кодексининг 225-моддаси аёллар меҳнати қўлланилиши тақиқланадиган ишлар рўйхати, улар кўтариши мумкин бўлган юқларнинг энг кўп микдорлари белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шунга кўра, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 январда 865-сон билан рўйхатга олинган "Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати" тасдиқланган бўлиб, бундай чеклаш аёллар саломатлиги, репродуктив салоҳиятини муҳофаза қилиш, оналик вазифасини самарали бажарилишини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Ёш боласи бор аёлларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қисқартирилган иш вақти жорий этилгани ҳам уларга берилган қўшимча кафолатлардан саналади. Масалан, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, бюджетдан таъминланадиган уч ёшга етмаган оналарнинг ҳафталик иш вақти 35 соатдан кўп бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, солиқ қонунчилигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ва уларга бериладиган имтиёзлар бўйича қатор нормалар мавжуд. Жумладан, ўн нафар ва ундан ортиқ боласи бор аёлларнинг мўлкада бўлган мол-мўлка жисмоний шахсларнинг мол-мўлкага солинадиган солиқ солинмайди. Қолаверса, даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкаларида меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан солиқ олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

**Зафар ЯКУБОВ,
Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси**

Жорий йилнинг 28 сентябрь кунини Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

ФХДЁ органларининг ҚОҒОЗ ШАКЛДА ҲИСОБОТ ТОПШИРИШ АМАЛИЁТИ ТУГАТИЛДИ



Мазкур қарорга асосан 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика ҳудудида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилади.

Туғилганлик ҳолати ФХДЁ бўлимларида қайд қилинганлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR-код тасвири туширилган маълумотнома берилди ва ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади. Эндиликда давлат органлари ва таш-

килотлари томонидан мазкур маълумотномани қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги муурожаатларига асосан ФХДЁ бўлимлари томонидан белгиланган микдорда герб йиғими ўндирилган ҳолда расмийлаштириб берилади.

Мазкур қарорга асосан никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича 2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 июлгача қадар ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Шунингдек, никоҳга кириш ҳақида ариза берилганда никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинини хабардор қилиш тартиби бекор қилинди.

ФХДЁ органлари томонидан фуқароларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришда ички ишлар органларига текширув ўтказиш учун ахборот тизими орқали сўровнома юборилади.

Никоҳ ва ажрим қайд қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатга штамп қўйиш, ўлим ҳолатини қайд қилишда вафот этган шахснинг паспорти ва ҳарбий гувоҳномасини талаб қилиш, алфавит дафтарларини юритиш тартиблари бекор қилинди. ФХДЁ органларининг қоғоз шаклда ҳисобот топшириш амалиёти тугатилди.

Мазкур қарор фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматларини сон жиҳатдан эмас, сифат жиҳатидан ҳам янада яхшилаш имконини яратди. Аҳолининг узогини яқин, оғирини эса енгил қилади. Бир сўз билан айтганда, "Инсон қадри учун" деган эзгу ғоянинг амалда ишлаётганининг исботидир.

**Хуррият ДУТУРАЕВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси маъсул ходими**

Дунё аҳли яхши биладики, кўнра Шарқ уйғониш даврининг буюк намоёндаларидан бири Абу Наср Форобий "Муаллими соний" нисбаси билан улуғланган. "Буюк шоирлар халқнинг ўқитувчилари бўладилар" деган эди Чингиз Айтматов. Илм, хатто ижодда тенгсизлик ва даҳоликнинг ўлчови муаллим эканлиги ҳайратланарли эмасми?

Хар бир инсон ҳаёти давомида доим эътибор қиладиган, шундай қилмаслиги мумкин бўлмаган бир туйғу бор. Яъни, нима учундир ахлоққа пок, маънан уйғоқ, маърифий баркамол муаллимимизга ногаҳон юзма-юз келганимизда фикрларимиз ва қалбимизда аллақандай шуур, шуъла таралиб, ўша ўқитувчининг бутун борлиги руҳий оламими камраб олаётгандай туюлаверади.

Қалби-вуҳудиди инсоний ҳис-туйғуси уйғоқ инсон ўқиган мактаби, илк муаллимларини кўрганда, албатта, қалбида бахтиёрлик, ажиб улғуворлик уйғонади. Хар қандай одам ўз умри давомида болагини, биринчи устозинг сабоқларини, мактаб таълиминини соғиниб эслайди.

Ҳаммамизнинг беғубор болалик даврини устозларимиз меҳри билан нурафшон эди. Нозиккина бармоқларимиздан татиб илк бор харф танитган ким? Ўша таънаси, таъмасиз, фидойи, жафокаш дилбар муаллимдир!

Қадимда ота-боболаримиз мадрасага покланмасдан туриб қадам босишга журъат қилмаганлар. Нопок қўл билан китоб ушламаганлар. Толиби илмларга тескари юз бурмаганлар. Тарихимиздан маълумки, ана шундай муҳитда юзлаб номлари оламга маълум ва машҳур бўлган олимлар, илму маърифат жонкуярлари, давлат арбоблари етишиб чиққан.

Маҳмудхўжа Бехбудий бобомиз мактабини улуғлаб: "Мактаб – дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир" деган эди. Хар биримиз касб-коримиздан қатъи назар мактабдек қўтлуғ даргоҳда маънавий соғлом муҳит яратишга масъулмиз. Ахлоқий тарбияга эътибор, айниқса, мактабнинг ахлоқий муҳити тўғрисидаги қарашлар бизда қадимдан таркиб топган. Бундай қатъий муносабатлар ўз-ўзидан юзага келган эмас. Шу ўринда бир ҳолатни айтиб ўтиш ўринли. Айрим ўқувчи ёшларимизнинг устозни беҳурмат қилишни ўзига эп кўраётгани, ижтимоий тармоқларда бу ҳолат омманнинг муҳокамасида экани ачинарлидир. Бундайлар ахлоқ чегараларини бузиб, тарбиясизлик ва илмсизлик қурбони бўлишмоқда.

Муаллим миллат ва халқнинг бугунги ва келажак ижодкори бўлган етакчи куч. Ўқитувчи олам, одамийлик нишонининг устуни. Муаллим мўъжиза, у шахсни шакллантиради. Ўқитувчи қудратли куч, у дунёни ўзлаштиришга қодир. Устоз отангдек улғу деб бежизга айтилмайди. Муаллим учун бундан-да шарафлироқ олқиш борми?!

Кўёш ўз заррин нурлари билан заминга ва оламга ҳаёт бахш этади. Муаллим инсон қалбидан зиё пайдо қилади, инсоний ҳаётни шакллантиради. Шунинг учунми, болажонларимиз ўз муаллимларини доимо кўёшга менгайдилар. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қиёфаси, бугунги ва келажак кўп жиҳатдан ўқитувчи устозларнинг билимдонлик савияси, пок ахлоқи ва жасоратига боғлиқ.

Одамзод ақл нури билан зийнатланган даврдан таълим-тарбия хусусида фикр билдириб келади. Балки, бунга

УЧ қудратли сўз бор – Аллоҳ, Она, Муаллим. Мана шу уч қудратли сўз тилга олинганда ҳатто кибру ҳавоси оламни тугти, юраги тошга айланган, беҳис одамнинг қалби ҳам беҳосдан ларзага келади. Шу уч сўз қулоққа чалинганда, бугун ва келажак кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Шарафга лойиқлик бахти

4 минг йил бўлгандир. Балки, етти минг йил. Шу йиллар давомида қанча китоблар битилди, устозу муаллимлар ҳақида қанча яхши сўз айтилди экан?!

Бугун бутун дунё аҳлини ташвишлантираётган муҳим муаммолардан бири ҳам таълим ва тарбия масаласидир. Мактаб ва ўқитувчи муаммоси фақат шу соҳа вакилларигина эмас, ҳамма-ҳаммамизни ўйлантиради. Мактаб таълимида, ўқитувчининг ҳаёти ва фаолиятида, устоз-шоғирлик муносабатларида соғлом муҳит ва дунёқарашни шакллантиришга тўла-тўқис эришмай туриб, юртбошимиз кун тартибига қўяётган учинчи ренессансга қадам қўйиш мумкинми?!



**Аброр БЕРДИЕВ,
Мирзо Улғубек туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси**

Шу ўринда Малала Юсуфзайнинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб айтган: "Битта ўқитувчи, битта китоб, битта дафтар ва қалам билан дунёни ўзгартирса бўлади" деган қудратга йўғрилган гаплари ёдга тушди.

Шу она заминда умргузаронлик қилаётган хар бир одам боласининг бир инсондан адо қилиб бўлмас қарзи бор. Бу ўқитувчилар олдидаги маънавий қарзимиздир. Барчамиз шу қарздорликни чқур ҳис этишимиз шарт! Бу ёрғу оламда неки шараф ва олқиш бўлса, шу дилбар қалби, одина туйғули зарнигора муаллими-ю, фидойи муаллимларимиз боши узра таралсин! Инсониятни куёшдек ҳарорати билан бағрида ўстириб, қўлидан тутиб катта ҳаётга йўллаётган йўлчи юлдуз – устоз-мураббийларимиз бор бўлсин!